



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 3 апрель, № 64 (7294) • Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 7 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 28 февралда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат (бундан буён матнда маъмурий назорат деб юритилади) билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Маъмурий назоратнинг асосий вазифаси

Маъмурий назоратнинг асосий вазифаси жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларга яқка тартибда профилактик таъсир кўрсатишдан иборатдир.

3-модда. Маъмурий назорат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Маъмурий назорат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг маъмурий назорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Маъмурий назоратнинг асосий принциплари

Маъмурий назоратнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:
қонунийлик;
демократизм;
адолатпарварлик;
инсонпарварлик;
фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш ва уларни ҳурмат қилиш;
белгиланадиган чекловларнинг дифференциаллашганлиги ва индивидуаллаштирилганлиги;
қонунга итоаткорлик ҳулқ-атворини рағбатлантириш.

5-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:
маъмурий назорат — назорат остидаги шахсларга суд томонидан белгиланадиган маъмурий чекловларни қўллашдан иборат тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш чоралари мажмуи;
маъмурий чеклов — ҳуқуқлар ва эркинликларни вақтинчалик чеклаш ёки зиммага мажбуриятлар юклатиш бўлиб, ушбу чеклаш ёки мажбурият юклатиш жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсга нисбатан суд томонидан белгиланади;
назорат остидаги шахс — ўзига нисбатан маъмурий назорат амалга оширилаётган шахс;
назорат остидаги шахснинг яшаш жойи (яшаш жойи) — назорат остидаги шахс доимий ёки вақтинча прописка қилинган турар жой.

6-модда. Ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатилган шахслар

Ушбу Қонун 8-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда қуйидаги воғга етган шахсларга нисбатан суд томонидан маъмурий назорат ўрнатилди:

суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилган;
оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган;
ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортқ марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган;
Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига биноан оғир ёки ўта оғир жиноят ҳисобланадиган қилмишларни содир этганлик учун бошқа давлат ҳудудида озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаган.
Маъмурий назорат судланганлиги олиб ташланган ёки судланганлик ҳолати тугалланган шахсларга нисбатан ўрнатилиши мумкин эмас.


7-модда. Маъмурий назорат чоғида белгиланадиган маъмурий чекловлар

Нazorat остидаги шахсларга нисбатан суднинг содир этилган қилмишнинг хусусияти ҳисобга олинган ҳолдаги қарори асосида қуйидаги маъмурий чекловлар белгиланиши мумкин:
яшаш жойидан сўтқанинг белгиланган вақтида ташқарида бўлиши тақиқлаш;
муайян жойларда бўлиши тақиқлаш;
суд томонидан белгиланган ҳудуд доирасидан ички ишлар органларининг рўхсатсиз чиқishi тақиқлаш;
рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартадан тўрт мартагача ички ишлар органига (ички ишлар органининг таянч пунктига) келиш;
алкоголли ичимликларни истеъмол қилиши тақиқлаш.
Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маъмурий чекловлар назорат остидаги шахснинг турмуш тарзига, оилавий аҳволига, шунингдек унинг шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатларга қараб тўлиқ ҳажмда ёки алоҳида-алоҳида тарзда белгиланади.

Маъмурий чекловларнинг рўйхати узил-кесил бўлиб, унга қўшимчалар киритилиши ёки у кенгайтириб шарҳланиши мумкин эмас.
Қўлланиладиган маъмурий чекловлар суд томонидан ички ишлар органининг тақдимномасига ёки назорат остидаги шахснинг ёхуд унинг вакилининг аризасига, шунингдек меҳнат жамоасининг, жамоат бирлашмасининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг илтимосномасига биноан назорат остидаги шахснинг турмуш тарзи ва ҳулқ-атвори ҳақидаги маълумотлар инобатга олинган ҳолда қисман беқор қилиниши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

ЕВРОПА НАШРИ 336 САҲИФАСИНИ ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАДИ



Жаҳонга машҳур "Le Petit Futé" саёҳат қўлланмасининг навбатдаги сони тўлиқ Ўзбекистонга бағишланди ва у испан тилида чоп этилди. Гидларни тайёрлаш бўйича дастур испаниялик Алхена Медиа босмаҳонаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг Испаниядаги элчихонаси кўмағида тайёрланди. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси матбуот хизмати хабарига кўра, қўлланма 80 минг нусхада чиқарилди. Нашрнинг 336 саҳифасида мамлакатимиз, унинг тарихи ва буюк аждодларимиз, маданиятимиз, санъатимиз, анъаналаримиз, спорт, шунингдек, юртимиз сиёсати, иқтисодиёти, аҳоли сони, жамият ҳаёти, ўзбек миллий таомлари ва миллий ўйинлари ҳақида батафсил маълумот берилган. Ранг-баранг суратлар эса кишида Ўзбекистонга саёҳат қилиш истагини янада оширади.

БИЗ ва ЖАҲОН



Нашрда ёзилишича, Ўзбекистон ўзининг тарихий мероси, қадимий анъаналари ва удуларини сақлаб қолиб, шу жиҳатлар билан ҳар қандай сайёҳни мафтун эта олади.


"Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти ҳақида алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг саёҳ-харакатлари туфайли мамлакатда катта янгиланишлар рўй берди, иқтисодий ва ижтимоий соҳалар изчил ривожланмоқда, кўшни мамлакатлар ва хорижий давлатлар билан икки томонлама муносабатлар кенгаймоқда. Мамлакатнинг дунёга очилиб бораётгани, жумладан, виза тартиби содда-лаштирилиши, валюта соҳаси либераллаштирилиши каби чора-тадбирлар қисқа муддатда ўз самарасини бера бошлади", дейилади нашрда.

Қўлланма муаллифлари ўз ўқувчиларига шундай мурожаат қилишади: "Тарих ҳақида унтинг — у қаршингизда жонланмоқда, афсоналар ҳақида унтинг — сиз бош қаҳрамонга айланасиз. Ўзбекистонга ёдда қоладиган саёҳат қилишингизни тилаб қоламиз!"

Мамлакатимиз туристик салоҳиятини намоён этиш учун қўлланма Ўзбекистонга хорижий сайёҳлар оқимини оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 2018 йилда "Le Petit Futé" қўлланмасининг Ўзбекистонга бағишланган сони француз тилида чоп этилган эди. У 1976 йилдан бери нашр этилиб келинади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.



МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА АНЪАНАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕБАҲО МАНБАИ



Энг қадимий санъат турларидан бири бўлган бахшичилик миллий маданиятимиз, маънавиятимиз, анъана ва қадриятларимизни ўзда муҳасам этади. Элимизнинг эзгу ният ҳамда истақларини ифодалайди.

Бирок, афсуски, маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлган ушбу ноёб санъат кейинги даврларда бир-мунча унутилаёзди. Шундай бир шароитда Президентимиз Шавкат Мирзиёев бахшичи-

лик санъатини бебаҳо номодий маданий мерос сифатида қайта тиклаш, янада ривожлантириш, бойитиш ташаббуси билан чиқди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 1 ноябрдаги қарори асосида Термиз шаҳрида ташкил этилаётган Халқро бахшичилик санъати фестивали халқ оғзаки ижодининг мазкур йўналишидаги ноёб намуналарини асраб-авайлаш, янада раванқ топтириш, кенг тарғиб қилиб, уни жаҳон узра ёйиш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муно-

сабатлар доирасини янада кенгайтиришга хизмат қилди.

Ушбу фестиваль кўлами ва аҳамияти жиҳатидан жуда нуфузли саналади. Буни унинг ЮНЕСКО шафелигида ўтказилаётгани, мазкур санъат байрамда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташиқоти (АЙСЕКО), шунингдек, Афғонистон, Туркия, Тожикистон, Қувайт ҳамда бошқа давлатлардан кўплаб фахрий меҳмонлар, 80 дан ортқ мамлакатлардан 300 га яқин вакиллар қатна-

шишидан ҳам билиш мумкин. Шунингдек, 20 давлатнинг оммавий ахборот воситалари ходимлари анжумани бево-сита ёритиб бориши қутилмоқда.

Миллий қадрият ва анъаналаримизни янада ривожлантириш, фольклор санъатимизни бойитиш, дунё бўйлаб кенг тараннум қилиш борасида олиб борилаётган бундай эзгу ишларни халқимиз катта мамнуният билан қутиб оляпти. Бу барчага фахр-ифтихор, ғурур бағишламоқда. Санъат, маданият, адабиёт соҳаси иждоқорларидан айримларининг қуйидаги фикрларидан ҳам буни англаш мумкин.

4-саҳифага қаранг.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР, ҒўДАКЛАР ТАШВИШИ ВА ПАРЛАМЕНТ КЕЛИШУВЛАРИ

2019 йил 2 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакат ижтимоий-иқтисодий, соғлиқни сақлаш, жамоатчилик назоратини таъминлаш соҳаларидаги ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Мажлис аввалида бугунги куннинг энг муҳим масалаларини бири сифатида қаралаётган — мамлакатимизнинг сайёҳлик имкониятларидан кенг фойдаланиш, туризм соҳасини тартибга солишга қаратилган «Туризм тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, ушбу қонун лойиҳаси 2018 йилнинг 9 октябрь куни парламент қўйи палатасининг мажлисида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинган эди. Ўтган давр мобайнида давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 8 августдаги «Норма иждоқорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»-ги Фармонидан келиб чиқиб, депутатлар томонидан билдирилган қатор фикр-мулоҳаза ва тақлифлар асосида ушбу қонун лойиҳасидаги ҳаволаки нормалар ўрни тўғридан-тўғри амал қилувчи моддалар билан тўлдирилди. Хусусан, қонун лойиҳасида туризм

фаолиятини ташкиллаштиришни таъминлайдиган туризм корхоналари — туризм операторлари, туризм агентликлари, экскурсия ташкилотлари, туризм фирмаларининг туризм фаолиятини амалга ошириши фақат лицензия асосида олиб борилиши белгиланган бўлиши Шун тариқа туризм фаолиятини амалга ошириш ниятида бўлган исталган юридик ёки жисмоний шахсга эндиликда мазкур лицензия асосида эркин фаолият юритиш имконияти яратилди.

3

Президент ташрифидан сўнг

6,8 миллиард сўмлик лойиҳа

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил январь ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида Китоб туманида бир қатор янги спорт иншоотлари қуриш ҳамда теннис кортини капитал таъмирлаш тақлифи билдирилган эди.



Яқинда тумanning Гулистон маҳалласида фойдаланишга топширилган усти ёпиқ сув иншооти, баскетбол майдончаси, сунъий қопламали футбол майдони мазкур эзгу ташаббус меvasи бўлди. Бунёдкорлик ишларига Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 6,8 миллиард сўм йўналтирилди.

Усти ёпиқ сув иншооти таркиби-

дан сузиш ҳавзаси, ювиниш, кийиниш, дам олиш, тиббиёт хоналари, сув сифатини назорат қилувчи лаборатория ўрин олган.

Шунингдек, мавжуд теннис корти капитал реконструкция қилиниб, мини-футбол майдони ва баскетбол майдончаси янгидан қуриб фойдаланишга топширилди. Обод қиёфа касб этган мажмуа атрофидаги сўлим хиёбонга мусиқали



фаввора ҳам алоҳида кўрк бағишлади.

Мазкур иншоот Китоб тумани болалар-ўсмирлар спорт мактаби ихтиёрига берилди. Бу ерда кунига 500 нафардан ортқ ўғил-қизлар маҳоратини оширади.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида

(*Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

2-боб. Маъмурий назоратни ўрнатиш, амалга ошириш, узайтириш, тугатиш ва маъмурий чекловларни қисман бекор қилиш тартиби

8-модда. Маъмурий назоратни ўрнатиш тартиби

Маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги асослантирилган тақдимнома судга қуйидагилар томонидан юборилади:

суд томонидан ўта хавfli рецидивист деб топилган шахсларга нисбатан – уларни озод этишдан камида бир ой олдин жазони ижро этиш муассасасининг бошлиғи томонидан;

жазони ижро этиш муассасаларида турган оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёхуд ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсларга нисбатан, агар улар жазони ўташ даврида белгиланган тартибда сақлаш режимини қасддан бузувчилар деб топилган бўлса, – уларни озод этишдан камида бир ой олдин жазони ижро этиш муассасасининг бошлиғи томонидан;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларга нисбатан – судланганлик ҳолатининг тугатилиши ёки судланганликнинг олиб ташланиши мuddатлари доирасида ички ишлар органининг бошлиғи томонидан ушбу шахслар жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганидан кейин бир йил ичида икки ёки ундан кўпроқ маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганлигидан далолат берувчи материаллар асосида.

Маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги тақдимномада маъмурий назоратни ўрнатиш зарурати, ўрнатиладиган маъмурий чекловлар юзасидан тақлифлар ва ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатилиши мумкин бўлган шахснинг ўзи танлаган яшаш жойи ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

Агар жазони ижро этиш муассасасидан озод этилаётган шахснинг маълум сабабларга кўра аниқ турар жойи бўлмаса, жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти унга яшаш жойи билан таъминлаш, доимий ёки вақтинчалик прописка қилиш ҳамда ишга жойлаштишга ёрдам беришни сўраб, шунингдек ногирон ёки оғир касалликларга чалинган шахсларни даволаш масалаларини олдиндан ҳал қилиш тўғрисида тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, ички ишлар органларига ва соғлиқни сақлаш муассасаларига илтимоснома юборади.

Маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги тақдимнома олинган пайтдан эътиборан ўн кундан кечиктирмай жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан суд мажлисида ички ишлар органи вакилининг мажбурий иштирокида ва ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги тақдимнома кўриб чиқилаётган шахс иштирокида якка тартибда кўриб чиқилади.

Агар ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги тақдимнома кўриб чиқиладиган, суд мажлиси ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида хабардор қилинган шахс узрсиз сабабларга кўра суд мажлисига келмаса, шунингдек суд мажлисини бошқа кунга қолдириш тўғрисида илтимоснома тақдим этилмаган бўлса, тақдимнома суд томонидан ушбу шахснинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Суднинг маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарорида маъмурий назоратни ўрнатиш учун асос, унинг мuddати ва назорат остидаги шахсга нисбатан ўрнатиладиган маъмурий чекловлар кўрсатилади. Агар маъмурий назорат жазони ижро этиш муассасасидан озод этиш чоғида белгиланган бўлса, суднинг маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарорида назорат остидаги шахс танлаган яшаш жойига етиб келадиган мuddат ҳам кўрсатилади.

Жазони ижро этиш муассасасидан озод этилаётган шахснинг аниқ яшаш жойи маълум бўлмаган тақдирда, суд унинг озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланишидан олдин яшаган охирга яшаш жойи бўйича маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилади. Назорат остидаги шахснинг яшаш жойи бўлмаган тақдирда, суд маҳаллий давлат ҳокимияти органларига назорат остидаги шахсни турар жой билан таъминлаш чораларини кўриш мажбуриятини юклаш тўғрисида қарор чиқаради.

9-модда. Маъмурий назорат мuddати

Маъмурий назорат олти ойдан бир йилгача мuddатга ўрнатилади. Маъмурий назорат мuddати маъмурий назоратни ўрнатиш тўғрисида суд томонидан қарор чиқарилган пайтдан эътиборан, маъмурий назорат жазони ижро этиш муассасаларидан шахсни озод этиш чоғида ўрнатилган ҳолларда эса, назорат остидаги шахс танлаган яшаш жойига етиб келган пайтдан эътиборан ҳисобланади.

Маъмурий назорат мuddатининг ўтиши қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилади:

назорат остидаги шахсга қидирув эълон қилинганда;
назорат остидаги шахс суд томонидан бедарак йўқолган деб топилганда.

Назорат остидаги шахс маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган тақдирда, маъмурий назорат мuddати ички ишлар органининг тақдимномаси бўйича суд томонидан олти ойгача бўлган мuddатга, лекин судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганликнинг олиб ташланиши мuddатидан ортиқ бўлмаган мuddатга узайтирилиши мумкин.

10-модда. Назорат остидаги шахсга суднинг маъмурий назорат ўрнатиш, унинг мuddатини узайтириш ёки маъмурий чекловларни қисман бекор қилиш тўғрисидаги қарорини эълон қилиш ва топшириш

Назорат остидаги шахс суд мажлисида иштирок этган тақдирда суднинг маъмурий назорат ўрнатиш, унинг мuddатини узайтириш ёки маъмурий чекловларни қисман бекор қилиш тўғрисидаги қарори назорат остидаги шахсга суд томонидан эълон қилинади.

Суднинг қарори тегишинча жазони ижро этиш муассасасига ёки назорат остидаги шахснинг яшаш жойидаги ички ишлар органига кейинчалик назорат остидаги шахсга тилхат олиб топшириш учун юборилади.

Суднинг қарорини назорат остидаги шахсга топшириш чоғида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларни бузганлик ва зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлик, шу жумладан маъмурий назоратдан бўйин товлаш мақсадида яшаш

жойини ўзбошимчалик билан тарк этганлик учун жавобгарлиги, ўзига нисбатан маъмурий назорат жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилишидан олдин ўрнатилган шахсга эса, танлаган яшаш жойига белгиланган мuddатда етиб бормаганлик учун жавобгарлиги тушунтирилади.

11-модда. Жазони ижро этиш муассасаси томонидан суднинг маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарорини юбориш

Жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти жазони ўташ даврида ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатилган шахсни жазони ижро этиш муассасасидан озод қилишдан олдин назорат остидаги шахснинг танлаган яшаш жойидаги ички ишлар органига суднинг маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарорини ушбу шахс етиб борадиган вақт тўғрисида ёзма равишда хабар қилган ҳолда юборади.

12-модда. Маъмурий назоратни амалга ошириш тартиби

Маъмурий назорат назорат остидаги шахснинг яшаш жойидаги ички ишлар органи томонидан амалга оширилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

маъмурий назорат мuddати мобайнида назорат остидаги шахсларнинг ҳисобини юритиш, шу жумладан уларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори ва ниятлари тўғрисида ахборот тўплаш;

назорат остидаги шахснинг ижтимоий реабилитацияси ва ижтимоий мослашувига кўмаклашиш;
назорат остидаги шахснинг ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя этиши ва яшаш, иш, ўқиш ёки хизмат жойи бўйича зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши устидан назоратни амалга ошириш;
назорат остидаги шахс билан унинг ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олишга қаратилган якка тартибдаги профилактика ишларини амалга ошириш;

назорат остидаги шахснинг ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларни бузганлиги ва зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги фактларини аниқлаш ҳамда ҳужжатлаштириш бўйича чоралар кўриш.

Яшаш жойи ўзгарган тақдирда маъмурий назоратни назорат остидаги шахснинг янги яшаш жойидаги ички ишлар органи амалга оширади.

Маъмурий назоратни амалга ошириш бўйича тадбирларни ўтказиш даврийлиги ва вақти суд белгилagan маъмурий чекловлардан, назорат остидаги шахснинг турмуш тарзи, оилавий аҳоли, хулқ-атворидан, шунингдек унинг шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органи томонидан мустақил равишда белгиланади.

Маъмурий назорат назорат остидаги шахснинг бир маромдаги ҳаёт фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги керак ва, қоида тарихасида, унинг ишдан, ўқишдан ёки хизматдан бўш вақтида амалга оширилади.

13-модда. Маъмурий назоратни тугатиш тартиби

Маъмурий назорат қуйидаги ҳолларда тугатилади:
маъмурий назорат ўрнатилган мuddат тугаганда;
судланганлик ҳолати тугалланган ёки судланганлик олиб ташланганда;
назорат остидаги шахс озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ва жазони ўташ жойига юборилганда;
назорат остидаги шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилганда;
назорат остидаги шахс бошқа давлатга доимий яшаш жойига чиқиб кетганда;
назорат остидаги шахс вафот этган ёки суднинг уни вафот этган деб топиш тўғрисидаги қарори қонуний кучга кирганда.
Ушбу мoddанинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича маъмурий назоратни тугатиш тўғрисида ички ишлар органи томонидан қарор чиқарилади.

Агар назорат остидаги шахс ҳуқуқбузарлик содир этмаётганлиги, ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя қилаётганлиги ҳамда зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажараётганлиги аниқланса, шунингдек яшаш, иш, ўқиш ёки хизмат жойидан ижобий тавсифномалар мавжуд бўлса, маъмурий назорат мuddатининг камида ярми ўтган ички ишлар органининг тақдимномаси ёхуд назорат остидаги шахснинг ёки унинг вакилининг аризаси асосида, шунингдек меҳнат жамоасининг, жамоат бирлашмасининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг илтимосномасига кўра маъмурий назорат суд томонидан мuddатидан илгари тугатилиши мумкин. Маъмурий назоратни мuddатидан илгари тугатиш тўғрисидаги тақдимнома, ариза ёки илтимоснома ўн кунлик мuddатда кўриб чиқилиши лозим.

Маъмурий назоратни мuddатидан илгари тугатиш тўғрисида суд томонидан қарор чиқарилади, қарор назорат остидаги шахсга эълон қилинади.

3-боб. Назорат остидаги шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Ички ишлар органларининг маъмурий назоратни амалга ошириш борасидаги ваколатлари

14-модда. Назорат остидаги шахснинг ҳуқуқлари

Назорат остидаги шахс қуйидаги ҳуқуқларга эга:
адвокат хизматларидан фойдаланиш;
кўриб чиқилаётган масала юзасидан изоҳлар бериш;
далиллар тақдим этиш;
судда маъмурий назорат ўрнатиш ва чекловлар қўллаш тўғрисидаги материаллар билан танишиб чиқиш ҳамда улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш;
маъмурий назоратни мuddатидан илгари тугатиш тўғрисида, шунингдек белгиланган маъмурий чекловларни қисман бекор қилиш ҳақида судга бевосита ёки вакили орқали аризалар билан мурожаат этиш;
суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ҳамда у бўйича ўз мулоҳазаларини билдириш;
суднинг маъмурий назорат ўрнатиш, у билан боғлиқ маъмурий чекловлар ва унинг мuddатини узайтириш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилиш;
иш бўйича келтирилган протестлар ва келиб тушган шикоятлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш;
яшаш жойидан ташқарида бўлиш ва (ёки) суд томонидан белгиланган ҳудуд доирасидан қисқа мuddатга чиқиш учун рухсатномалар олиш тўғрисидаги аризалар билан ички ишлар органларига мурожаат этиш;

бевосита ёки вакили орқали ички ишлар органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг маъмурий назоратни ўрнатиш ва амалга ошириш чоғидаги ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш.

15-модда. Назорат остидаги шахснинг мажбуриятлари

Назорат остидаги шахс қуйидаги маъмурий назорат қоидаларига риоя этиши шарт:

жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганидан кейин ўзи танлаган яшаш жойига суд томонидан белгиланган мuddатда етиб бориш;

жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганидан кейин, шунингдек яшаш жойи ўзгарганидан сўнг ўзи танлаган яшаш жойига етиб келган кундан эътиборан уч кун ичида ҳисобга қўйилиш учун маъмурий назоратни амалга оширувчи ички ишлар органига келиш;

ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя этиш;

маъмурий назоратни амалга оширувчи ички ишлар органидан яшаш жойидан ташқарида бўлиш ва (ёки) суд томонидан белгиланган ҳудуд доирасидан ташқарига қисқа мuddатга чиқиш учун рухсатнома олинган тақдирда, қисқа мuddатга чиқилаётган ҳудуднинг ички ишлар органини хабардор қилиш;

қисқа мuddатга чиқиш жойидан қайтиб келганида доимий яшаш жойи бўйича ички ишлар органини хабардор қилиш;

маъмурий назоратни амалга оширувчи ички ишлар органини ишга жойлашганлиги, яшаш, иш, ўқиш ёки хизмат жойи ўзгарганлиги ёхуд меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисида уч кун ичида хабардор қилиш;
яшаш жойидаги ички ишлар органига ушбу орган томонидан белгиланган мuddатда чақирувга кўра бориш;
ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя этиш ва зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ масалалар юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш.

16-модда. Маъмурий назоратни амалга оширишда ички ишлар органларининг ҳуқуқлари

Маъмурий назоратни амалга оширишда ички ишлар органлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:
назорат остидаги шахснинг хулқ-атвори тўғрисида иш, ўқиш ёки хизмат жойи маъмуриятидан, жамоат бирлашмасидан, яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан, шунингдек фуқаролардан маълумотларни сўраш ва олиш;
назорат остидаги шахсга уй-жой бериш ва уни ишга жойлаштириш тўғрисида тегишли давлат органларига, бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга илтимосномалар юбориш;

профилактик сўхбат ўтказиш учун назорат остидаги шахсни унинг яшаш жойидаги ички ишлар органларига чақирिश, назорат остидаги шахснинг талаби билан бундай сўхбатларни адвокат, жамоатчилик, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи вакиллари ёки яқин қариндошлари иштирокида ўтказиш;

назорат остидаги шахсдан ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя этиш ҳамда зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ масалалар юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш.

Ички ишлар органлари маъмурий назоратни амалга ошириш бўйича алоҳида тадбирларни ўтказишда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

17-модда. Маъмурий назоратни амалга оширишда ички ишлар органларининг мажбуриятлари

Маъмурий назоратни амалга оширишда ички ишлар органлари:
назорат остидаги шахсга унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириши, шунингдек ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларни бузганлик ҳамда зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириши;
маъмурий назорат мuddати мобайнида назорат остидаги шахсларнинг ҳисобини юритиши;
назорат остидаги шахсларни ўзлари танлаган яшаш жойида прописка қилиш ва уларни ишга жойлаштириш юзасидан зарур чоралар кўриши;
маъмурий назорат остидаги шахснинг ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя этиши ва яшаш, иш, ўқиш ёки хизмат жойи бўйича зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши устидан тизимли равишда назоратни амалга ошириши;
назорат остидаги шахс билан унинг ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олишга қаратилган якка тартибдаги профилактика ишларини олиб бориши;
жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинганидан кейин яшаш жойларига белгиланган мuddатда узрли сабабларсиз етиб келмаган, шунингдек яшаш жойларини ўзбошимчалик билан тарк этган ёки суд томонидан белгиланган ҳудуд доирасидан рухсатномасиз чиқиб кетган назорат остидаги шахсларнинг қидирувини амалга ошириши шарт.

Маъмурий назоратни ўрнатиш ва амалга ошириш назорат остидаги шахснинг бошқа ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги, унинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслиги керак.

18-модда. Назорат остидаги шахсларнинг қидируви

Назорат остидаги шахс яшаш жойини ўзбошимчалик билан тарк этганда, шунингдек жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилиш чоғида маъмурий назорат ўрнатилган ҳолларда яшаш жойига белгиланган мuddатда узрли сабабларсиз етиб келмаганда ички ишлар органи назорат остидаги шахснинг турар жойи ва етиб келмаслик сабабларини аниқлаш чораларини кўради.

Назорат остидаги шахснинг қаердалиги аниқланмаган тақдирда ички ишлар органи назорат остидаги шахснинг турар жойи ва етиб келмаслик сабабларини аниқлаш бўйича қўрилган чоралар ҳақидаги ҳужжатлар (далолатнома, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси, фуқароларнинг ёзма кўрсатувлари, ички ишлар органи ходимининг билдиргиси) билан бирга судга унга нисбатан қидирув эълон қилиш зарурлиги тўғрисида тақдимнома юборади.

Назорат остидаги шахсга нисбатан қидирув эълон қилиш зарурлиги тўғрисидаги тақдимнома суд томонидан беш кунлик мuddатда кўриб чиқилади.

Назорат остидаги шахсга нисбатан қидирув эълон қилиш тўғрисида суд томонидан қарор қабул қилинади.

Назорат остидаги шахсларнинг қидируви ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

19-модда. Ички ишлар органлари томонидан назорат остидаги шахсларга бериладиган рухсатномалар

Маъмурий назоратни амалга оширувчи ички ишлар органи назорат остидаги шахсга яшаш жойидан ташқарида бўлиш ва (ёки) суд томонидан белгиланган ҳудуд доирасидан қисқа мuddатга чиқиш учун ўн кундан кўп бўлмаган мuddатга қуйидаги шахсий ҳолатлар муносабати билан рухсатнома беради:

яқин қариндошининг ўлими ёки оғир касаллиги;
ишга жойлашиш ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш зарурати;

таълим муассасаларига қабул қилиш чоғида кириш имтиҳонларини топшириш зарурати.

Ушбу модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисида кўрсатилган рухсатнома қуйидаги ҳолларда бир ойгача бўлган мuddатга берилиши мумкин:

назорат остидаги шахснинг тиббий ёрдам олиши ёки соғлиқни сақлаш муассасаларида даволанишдан ўтиши зарур бўлганда;

табiiй офат ёки бошқа фавқулodда вазиятлар муносабати билан яшаш жойида бундан буюён истикомат қилишнинг имкони бўлмаса;
суд томонидан белгиланган ҳудуд доирасидан ташқарида таълим олганда.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган мuddат ошиб кетган тақдирда, маъмурий назорат назорат остидаги шахснинг турган жойи бўйича амалга оширилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

20-модда. Суднинг, ички ишлар органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш (протест келтириш)

Ички ишлар органларининг маъмурий назоратни ўрнатиш ва амалга ошириш билан боғлиқ қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан прокурор томонидан протест келтирилиши ёки назорат остидаги шахс ёки унинг вакили томонидан суд қарори нусхаси олинган кундан бошлаб ўн кунлик мuddатда бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

Суднинг маъмурий назорат ўрнатиш, унинг мuddатини узайтириш ёки уни мuddатидан илгари тугатиш ёхуд маъмурий чекловларни қисман бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят ёки протест юқори турувчи суд томонидан кўриб чиқилади. Шикоят ёки протестни кўриб чиқиш яқунлари бўйича суд томонидан қуйидаги қарорлардан бири чиқарилади:

суднинг қарорини ўзгартириш қолдириш тўғрисида;
суднинг қарорини ўзгартириш тўғрисида;
суднинг қарорини бекор қилиш тўғрисида;
суднинг маъмурий назорат ўрнатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш ва маъмурий назорат ўрнатиш ҳақида.

Шикоят берилиши ёки протест келтирилиши маъмурий назоратнинг амалга оширилишини суд маъмурий назоратни тугатиш тўғрисида қарор чиқаргунга қадар тўхтатиб турмайди.

21-модда. Маъмурий назорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Маъмурий назорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

22-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

23-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

24-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

25-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбеки

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА АНЪАНАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕБАҲО МАНБАИ

Шерали ЖҲРАЕВ,
Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти:



— Бахшичилик — жуда қадимий санъат тури. Дастонларимиз ҳали китоб пайдо бўлмаган пайтлардан бери бор. Уларда узоқ тарихимиз ҳам, маданиятимиз ҳам мўъжасам. Шу сабабли ўтмишимизни, азалги қадриятларимизни ўрганишда халқ оғзаки ижодига мурожаат қиламиз. Фольклор санъатимиз орқали аждодларимизнинг донишмандлиги, урф-одатлари, орзу-интилишларидан хабардор бўламиз, ўзгичлигимизни аниқлаймиз. Бахшичиликнинг асл қадр-қиммати ҳам шунда! Шу сабабли азал-азалдан дoston айтувчилар халқ орасида катта хурмату эътиборга сазовор бўлган. Ёши улғу юртолларимиз яхши эслашди. Авваллари тўйлар бахшиларнинг иштирокисиз ўтмаган. Улар давра ўртасида “Алломиш”, “Гўрўғли”, “Юнус пари”, “Авазхон”, “Кунтуғмиш” каби дostonларимиздан парчалар ижро этишган. Одамлар тонгача қимирламай, дўмбира садосига, бахшининг хоншига маҳлиё бўлган. Дostonдаги қизиклари воқеалар давомини интиқиб кутган. Ёшитишмича, булунгурлик Амин баши “Алломиш” дostonини уч ой давомидан тингловчиларни зериктир-

Ёқуб АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон халқ артисти:



— Бахшичилик барча санъатларнинг онаси, десам адашмайман. Ўз ҳис-туйғуларини бир маромга солган шоирнинг ҳам, сўзларга мос куй яратган бастакорнинг ҳам, сўз ва оҳанг жўрлигида ўз орзу-умидларини қўйган хонанданинг ҳам, халқ қаҳрамонларини гавдалантиришга интилан актёрнинг ҳам илк вақили бахши бўлган, назаримда. Бахшичилик ана шундай қадимий, чўқур илдизларга эга санъат. Шу боис ҳам бахшиларни тингламаган, тинглай олмаган ашулани чинакам ашулани, у куйлаган дostonлардан, термалардан тўрт қатор ёд билмаган шоирни чинакам шоир, дўмбира жарангидаги мазмунни хис қилмаган бастакорни бастакор, дейиш қийин. Бахшининг қалб оламини, руҳиятини англамаган, тушулмаган актёр ҳам ҳақиқий актёр бўлолмайд.

Унинг янги шакл ва мазмун билан бўйиши, моҳияти, аҳамиятини бутун элимиз, айниқса, ёшларга чуқур тушунтириш борасида олиб борилаётган бугунги кенг қўламли ислохотлар санъатимизни, маданиятимизни, маънавиятимизни юксалтиришнинг янги босқичини бошлаб берапти, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 1 ноябрдаги қарори асосида Термиз шаҳрида ташкил этилаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали ҳам бера-

такор миллий санъатимизни оламга намойиш этиш билан бира, халқимизни дунё халқлари оғзаки ижоди намуналаридан баҳраманд қилиш, жаҳон муҳаббат санъатида кечаётган ижодий жараёнларни атрофда ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуфузли фестивал турли кўрсаткич халқларига мансуб бадий жамоаларнинг фольклор, миллий куй-қўшиқлари манзарасида инсониятни тинчлик-товуқлик, барикенглик, инсонпарварлик, маънавий қомиллик йўлида бирлаштиради. Бугунги мураккаб замонда халқлар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ришталарини янада мустақкам-лайди.

Техника-технология жадал таррақий этаётган, ахборот алмашинувлари тобора кучаяётган бугунги замонда санъатнинг ҳеч қандай талаб ва мезонларига жавоб бермайдиган “асар” пайдо бўлаётгани, айрим ёш ижроачи ва ижодий гуруҳлар мавзу, муҳаббат, ижро усули, саҳна ҳаракатларида очилган-очилмаган ижодий маданият қўриқларига тақдир қилаётгани дилни хира қилади.

Бу ёш авлоднинг эстетик диди ва савиясини ўтмаслаштирмақда, онги, қалби, маънавиятига занг туширмақда. Мазкур жараёнда улкан маънавий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёшларга беэволат етказиш, миллий ва умумбаширий муҳаббат санъати ютуқларини, жаҳон фольклорининг энг яхши намуналарини ўрганиш муҳим. Халқаро бахшичилик санъати фестивали ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилиши, эртаимиз эгаларини умуминсоний гоҳлар руҳида тарбиялашда, улар қалбидан буюк маданиятимиз ҳамда санъатимиздан фахрлини туйғусини, дўстлик, эзгулик, меҳр-муруват ришталарини мустақкамлашда катта ўрин тутиши унинг қадри ва аҳамиятини янада оширади.

Халқимиз қўшиқни, куйни севади. Эзгулик соғиниб, яхшилик қилишга интилиб яшайди. Интиқ қўйлаётган халқаро фестивал ҳам дилларимизни яйратиши, биз, ижодкорларни янги ижодий парвозлар сари руҳлантириши, шубҳасиз.

Ўзбек халқ дostonлари аждодларимизнинг узоқ ўтмиши, маданий ҳаёти ва миллий қадриятларини ўзидан мўъжасамлаштирган бўлиб, улар номоддий маданий мерос сифатида юксак қадрланмоқда. Бахшичилик санъатининг сержило ижро намуналари тингловчига катта завқ-шавақ бағишлаши билан бира, кишиларни яхшиликка чорловчи, маърифат тарқатувчи, ёш авлод қалбидан эзгу қадриятларни уйғотувчи маънавий тарғибот манбаи вазиғасини ўтаб келаётир.

ТЕРМИЗДА ЯНГРАЙДИ ҚАДИМ ДОСТОНЛАР

Халқимиз “Алломиш”, “Гўрўғли”, “Кунтуғмиш” каби машҳур халқ дostonларини тинглаб, улардан маънавий озуқа олган. Ана шу ўлмас қадриятларимизни асраб-авайлаш, халқ дostonларининг ранг-баранг намуналарини юртимиз ҳамда халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш мақсадида эндиликда ҳар икки йилда бир мартаба Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали ўтказилади.

— Тўй-томоналаримиз бахшиларнинг дostonу термаларисиз ўтмайди, — дейди Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси Шодмон баши Хўжамбердиев. — Дostonларда, асосан, халқимизнинг орзу-умидлари, мақсад ва интилишлари қўйланади. Мардлик, шижоат, ватанпарварлик, она юртга садоқат каби эзгу инсоний қадриятлар улғуланади. Шу боис турли гоҳий-бадий ечимга эга дostonлар ҳамма одамлар қалбидан чуқур ўрин эгаллаб келган. Мазкур фестивал эса халқ оғзаки ижодиини улғулаш, уни сақлаш ҳамда келгуси авлодга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро анжуман иштирокчиларининг чиқишлари юқори малакали муҳаббатчилар, танлики санъат ва маданият арбоблари, олимлар, шунингдек, иштирокчи давлатларнинг соҳа номандаларидан иборат халқаро ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланади. Бунда дostonчилик санъати намояндаларининг асл миллий хусусиятлари, куй, нағма ва термаларнинг бадий-эстетик жиҳатлари, ўзига хослиги, халқ ижрочилиги усулларини эгаллаганлик даражаси, кийиниши, саҳна маданияти, либослариди бадий безакларнинг миллий анъаналарга мослиги, анъанавий муҳаббатчилардан фойдаланиш жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилади.

Маданият вазирлигининг маълум қилишича, Халқаро санъат анжуманида Ўзбекистон, Қозғоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Хитой, Жанубий Корея, Эрон, Сербия, Туркия, Болгария, Бельгия сингари давлатлардан 58 нафар баши ва дoston айтувчилар ўз ижодий чиқишлари билан қатнашади. Айтиш кераки, Халқаро бахшичилик санъати фестивали голиблари турли даражадаги диплом ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланади. Бундан ташқари, “Энг ёш бахшичилик санъати иштирокчиси”, “Муҳлислар эътирофига сазовор бўлган энг яхши иштирокчи”, “Энг яхши чолғу ижрочиси” каби номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланиб, улар пул мукофоти ва махсус диплом билан тақдирланади.

Илҳом РАҲМАТОВ
(“Халқ сўзи”).

ХАЛҚИМИЗ МАДАНИЯТИНИНГ НОЁБ ДУРДОНАСИ

Бахшичилик халқимиз маънавияти, маданияти ва бадий салоҳиятини намойиш этадиган ёрқин кўзгудир. Ушбу санъат давр мураккабликларини енгиб, ўзининг гўзал шакллари, содда ва теран мазмунини, чуқур моҳияти билан асрлар оша аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Олимларнинг эътирофи этишича, “бахши” сўзи устоз, маърифатчи деган маъноларни англатади. Мутафаккир шоиримиз Алишер Навоийнинг “Муншаот” асаридан бу сўз котиб, мизро маъноларида қўлланилган. Ўзбекларда баши деб аталган халқ ижодкорлари бошқа туркий халқларда ҳам мавжуд бўлиб, қорақалпоқларда жиров, қозоқларда оқин, қирғизларда манасчи, мўғулларда тўлчи, ўғулларда узан, дейилади.

Бахшилар факуллода кучли хотирага эга бўлади. Улар халқ

дostonларини соатлаб, ҳатто бир неча кун мобайнида ёддан айтиши мумкин. Ушбу санъат, асосан, “устоз — шогирд” мактаби анъаналари асосида ривожланган. Бахшилар шогирдларини икки-уч йил, айрим жойларда беш-олти йил бегараз ўқитишган. Вақти келиб, устоз шогирд учун махсус синув уштуриган: шогирд сараланган аудитория олдида бутун бир дostonни маромига етказиб қўйлаб бериши лозим бўлган. Агар у устоз талабларига мос ижро қила олса, шундан сўнг тарбияланувчи

бахши номини олган ва мустақил фаолият бошлаган. Юртимизда дoston куйлаш анъанаси қадимдан уч йўналишда ривожланган. Биринчи йўналиш — Булунгур, Нарпай, Нурота, Қўрғон, Шахрисабз, Қамай, Шеробод, Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбеклар дostonчилик мактабларида дўмбира чертиб яққа ҳолда, бўғиз овоз билан ижро этилган. Иккинчи йўналиш — Хоразмда тор, дутор, гижжак, гармон, буламон, қўшнай, доира жўрлигида баъзан яққа, баъзан жуфт ҳолда, очик овоз билан ижро этилган. Учинчи йўналиш — Фарғона водийсида дутор жўрлигида очик овозда айтилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтган йили Термиз шаҳрида

ташқил этилган “Бахшилар мактаби” бахшичилик санъати анъаналарини ўрганиш ва давом эттириш, истеъдодли ёшларни кашф қилиш ҳамда тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги қарорига мувофиқ, 5 — 10 ағрел кунлари Термиз шаҳрида бўлиб ўтадиган Халқаро бахшичилик санъати фестивали ҳам ушбу ноёб санъатимизни жаҳон миқёсида кенг тарғиб этиш, миллий маданиятимизни янада юксалтиришда кенг имкониятлар очади. Бахшиларимиз дўмбираси оҳангини, халқ дostonларини дунё аҳли тинглайди. Халқимиз ҳам дўмбиранинг ноёб овози ва бахшиларнинг юксак маҳоратидан,

халқ оғзаки ижодининг нодир дурдоналаридан яна бир бор баҳраманд бўлади. Фестиваль доирасида хоржий ва маҳаллий олимлар иштирокида илмий-амалий анжуман ташқил этилади. Айни пайтда ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб бораётган 70 нафарга яқин хоржий олимлар анжуманда қатнашиш истактини билдириб, ўз маърузаларини тақдим этган. Улар орасида АКШ, Германия, Франция, Россия, Хитой, Япония, Жанубий Корея ва Туркия каби ийри мамлакатлар вакиллари борлиги анжуман нуфузини янада оширади.

“Халқ сўзи”.

Азамат ҲАЙДАРОВ,
профессор.

НУКУСНИНГ ЭНГ ЙИРИК САВДО МАЖМУАСИ

Яқинда Нукус шаҳрида “Mega Nukus” савдо, кўнгилочар ва машиий хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди. “Алишер Султанбек Нукус” масъулияти чекланган жамияти томонидан рўёбга чиқарилган ушбу лойиҳа худудда савдо ва сервис соҳасини ривожлантириш, тармоққа янги инновацион технологияларни татбиқ этишни кўзда тутди.



— Лойиҳанинг умумий қиймати 66 миллиард сўмга тенг, — дейди унинг ташаббускори, “Алишер Султанбек Нукус” масъулияти чекланган жамияти раиси Элмира Шарипова. — Шундан 50 миллиард сўми “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан ажратилган кредит маблағи бўлса, 16 миллиард сўми ўз тadbirkорлик субъектимиз ҳиссасига тўғри келди. Муҳими, мажмуа ишга туширилиши билан 250 та иш ўрни яратилди. Келгусида тadbirkорларга берилган кенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда, юртодларимизга янада қулай ва юқори сифатли хизматлар кўрсатишга астойдил интиламиз. Гипермаркет шаҳарнинг Ерناзар Олакуз кўчаси бўйида қад ростлади. Уни жиҳозлаш учун хоржининг етакчи компаниялари ускуналари ва технологиялари келтирилди. Қурилиш ишлари тажрибали, қўлгўл усталар томонидан олиб борилди. — Бунёдкорлик ишлари мураккаб технологиялар асосида амалга оширилди, — дейди корхона менежери

Алишер Алларов. — Жумладан, темир қаркаслар ва мустақам монолит бетонлардан фойдаланилди. Қаватларга оғир юк кўтарувчи лифтлар ҳамда замонавий эскалаторлар орқали чиқиш имконияти яратилди. Шунингдек, фукарлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ёнгин сезувчи, автомат тарзида ўт ўчирувчи қурилмалар ҳамда марказлашган совитизим тизими ўрнатилди. Эътиборлики, ушбу лойиҳа илғор шахарсозлик анъаналарини ўзидан мўъжасам этгани ҳамда ўзига хос меъморий ечим билан ажралаб туради. “Mega Nukus” мажмуаси биноси беш қаватдан иборат. Бу ердан 200 та савдо ва сервис шохобчаси, хусусан, умумий овқатланиш нуқталари, болалар учун аттракционлар ўрин олган. Гипермаркетининг биринчи қаватида “Қишлоқ қурилиш банк” қараши минибанкда аҳолига истеъмол кредити ажратиш, тadbirkорларга банк хизмати кўрсатиш ишлари амалга оширилса, банккомат ҳам фойдаланувчиларни мамнун этаётир.

Иккинчи, учинчи, тўртинчи қаватларда ҳам савдо, сервис ва машиий хизмат шохобчалари ишлаб турибди. Қолаверса, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва хоржидан келтирилган сифатли кийим-кечаклар, истеъмол товарларини харид қилиш имконияти яратилган. Бешинчи қаватда эса кўнгилочар ўйинлар ва болалар майдончалари, мазали таомлар тайёрланадиган тамаддиҳоналар хизматингизга шай. — Шаҳримизда бундай кўркам, барча қулайликка эга маскан ишга туширилганидан жудаям хурсандимиз, — дейди нукуслик Севара Мақсудова. — Энди дам олиш кунлари бу ерга фарзандларимиз билан келиб, мазмунли хордик чиқариб кетишимиз мумкин. Буларнинг барчаси учун миннатдоримиз.

Ҳидоят АҲМЕДОВ.

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОН

AMKODOR **САЛЕО** **AMKODOR - СЕМАШ**

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

«AMKODOR», «САЛЕО», «AMKODOR-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

Олд томонга йўналтирилган ва универсал оқлагичлар | МТЗ базасидаги оқлагичли экскаваторлар | Занжирли ва гилдирақли юришдаги экскаваторлар | Санчкили оқлагичлар

Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар

Ўзбекистонда

галлани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар | гидравлика

Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: 71-283-42-18, тел.: 71-283-42-17, Моб.: 90-974-00-61, 90-974-00-81.

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 59 932 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни оқиб олдиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова.
Навбатчи — Ш. Раффоров.
Мушаххис — Ш. Машраббеов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буок Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.15 Топширилди — 02.45 1 2 3 4 5 6